

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

САИДОВА МУҲАЙЁХОН ТУЛКИНОВНА

**ТУКСИЗ ЧИГИТНИ АНИҚ ЭКАДИГАН ПНЕВМАТИК ЭКИШ
АППАРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулбахор – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Саидова Мухайёхон Тулкиновна

Туксиз чигитни аниқ экадиган пневматик экиш аппаратини
такомиллаштириш ва унинг параметрларини асослаш..... 3

Саидова Мухайёхон Тулкиновна

Совершенствование и обоснование параметров пневматического
высевающего аппарата для точного сева оголенных семян
хлопчатника..... 19

Saidova Mukhayyokhon Tulkinovna

Improvement and substantiation of the parameters of a pneumatic
apparatus for exact sowing of bare cotton seeds..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

САИДОВА МУҲАЙЁХОН ТУЛКИНОВНА

**ТУКСИЗ ЧИГИТНИ АНИҚ ЭКАДИГАН ПНЕВМАТИК ЭКИШ
АППАРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T1996 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.uzmei.uz ва «Ziyoue» Ахборот таълими порталда (www.ziyoue.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимова Феруза Абдукадировна
Техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Имомқулов Қутбиддин Боквионович
Техника фанлари доктори, профессор

Мамажанов Султовали Исломалиевич
Техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

«Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертифицирлаш ва синаш маркази»

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.(5/13.05.2020.Т.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «13» апрел соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгиёул тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.)

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (458 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгиёул тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «28» март куни тарқатилди.
(2022 йил «28» март даги 19 рақамли реестр баённомаси)



М.Т. Тошболтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.А. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., к.и.т.

А. Тўхтақизиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафадоктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта етиштириш учун энергия-ресурстежамкор технологиялар ва замонавий техника воситаларини ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. Дунё миқёсида пахта толасининг етиштириш ҳажми 23477 минг тонна, жумладан, Ҳиндистонда-6205, Хитойда-5987, АҚШда-4555, Бразилияда-1895, Покистонда-1785, Австралияда-1045, Туркияда-871, Ўзбекистонда-838 ва Туркменистонда-296 минг тоннани ташкил этади¹. Чигит экадиган энергия-ресурстежамкор, иш сифати ва унуми юқори бўлган сеялкаларни илмий асосда такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Бу борада ривожланган хорижий давлатларда, жумладан, АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, чигитларни аниқ экадиган пневматик сеялкаларни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда чигитларни аниқ экишнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги намуналарини яратиш, мавжуд машиналарни иш жараёнида ресурстежамкорлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда турли тупроқ-иқлим шароитлари учун чигитни уяли усул билан аниқ ва ҳар бир уяга 3 донадан уруғ экадиган пневматик сеялка конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг агротехник талаблар даражасида ишлашини таъминлайдиган параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш зарурати туғилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан чигит экиш операциясини такомиллаштириб, технологик жараёнларни сифатли бажаришни таъминлайдиган техника воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 апрелда тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастури”да² жумладан, “Қишлоқ хўжалиги экинларининг сочилувчан уруғларини тупроқ-иқлим шароитига мос доналаб ва уялаб аниқ экадиган, уруғлик сарфини камайтирадиган, ғўза яганасига чек қўядиган, импорт ўрнини босадиган маҳаллий пневматик сеялканинг саноат нусхасини

¹«Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида Порлоқ-1 ғўза навини мақбул кўчат қалинлиги ҳамда сув-озуқа меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар». – Тошкент, 2019. – 13 б.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 апрелда тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастури.

яратиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда туксиз чигитларни аниқ меъёрларда уялаб экиш учун Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитларига мос замонавий, энергияресурстежамкор пневматик сеялкани ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони, 2017 йил 7 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3117-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уруғ экишнинг умумий асослари, сочилувчан уруғларни аниқ меъёрларда экиш аппаратлари ва сеялкаларнинг технологик иш жараёнларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш, уларнинг конструкцияларини яратиш, иш органларининг параметрларини асослаш бўйича хорижда А.Н.Семенов, М.В.Сабликов, Г.М.Бузенков, С.А.Ма ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Ушбу йўналишда республикамизда Г.М.Рудаков, С.П.Чирцов, А.Хаджиев, П.Юшин, К.А.Кундузов, А.Қорахонов, Ф.Алимова, А.Толибаевлар ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишларини бажаришган.

Бу тадқиқотлар асосида яратилган экиш машиналари тармоқ ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитга мос чигитни уялаб аниқ экадиган сеялкаларни яратиш бўйича етарли даражада тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-3-001 “Экинлар уруғларини аниқ меъёрларда экадиган энергоресурстежамкор пневматик сеялкани ишлаб чиқиш” (2017-2018) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган ва Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитига мос пневматик экиш аппаратини такомиллаштириш ва унинг параметрларини асослаш орқали уруғлик, меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чопикталаб экинлар уруғларини аниқ экадиган пневматик сеялкаларга қўйиладиган агротехник талабларни таҳлил этиш ва тадқиқот объектининг

конструктив схемаси ва технологик иш жараёнини ишлаб чиқиш;

туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппаратининг рационал параметрларини аниқлаш имконини берадиган математик моделларни ишлаб чиқиш ва аналитик ифодаларни олиш;

туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппаратининг сифат ва энергетик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш;

такомиллаштирилган пневматик экиш аппаратининг тажриба нусхасини тайёрлаш, унинг лаборатория-дала синовларини ўтказиш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида пневматик экиш аппарати, аппаратнинг пневмотизими ва ишчи органларининг туксиз чигитлар билан ўзаро таъсир жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети пневматик экиш аппаратининг диски ва пневмотизимини туксиз чигитлар билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик боғланишлар ва математик моделлар ҳамда сеялканинг агротехник кўрсаткичларини технологик, конструктив ва кинематик параметрларига нисбатан ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида олий математика, назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъерий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, ГОСТ 31345-2017, O'zDst 3193:2017, РД Уз 63.03-98, ГОСТ Р 53056-2008) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппаратининг конструктив схемаси ғуж уя ҳосил бўлишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

экиш дискининг параметрлари уруғларнинг талаб даражасидаги сўрилиш ва уларни умумий массадан олиб чиқилишини таъминлаши лозимлигини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

экиш аппаратининг ўрнатиш баландлиги уруғларнинг экиш дискидан ажралгандан сўнг учиш масофасига боғлиқ ҳолда аниқланган;

туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппарати экиш дискининг мақбул параметрлари унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини ифодаловчи регрессия тенгламаларини биргаликда ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитига мос ҳамда самарали технологик иш жараёнига эга бўлган экиш дисклари билан жиҳозланган туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппарати ишлаб чиқилган;

такомиллаштирилган пневматик экиш аппарати чигитни талаб даражасида сифатли экилишини таъминлайди. Мазкур пневматик сеялкани қўллаш меҳнат сарфини 8,5 фоизга, эксплуатация харажатларни эса 2,6 фоизга камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг самарали усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, экиш аппарати дискининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қонун-қоидаларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган экиш диски билан жиҳозланган пневматик экиш аппарати дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппаратининг талаблар даражасидаги иш сифатини таъминловчи параметрлари асосланганлиги, олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш қурилмаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Асосланган тур ва параметрларга эга экиш диски билан жиҳозланган пневматик экиш аппарати қўлланилганда уруғларни сифатли экилиши, уларни эрта ва бир текис униб чиқиши ҳамда ниҳолларнинг яхши ривожланиши тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туксиз чигитни аниқ экадиган пневматик экиш аппаратини такомиллаштириш ва унинг параметрларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар негизида:

туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппаратининг конструкциясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш учун техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 02/023-4559-сон маълумотномаси). Натижада туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппарати конструкциясини такомиллаштириш имкони яратилган;

янги экиш диски билан жиҳозланган пневматик сеялканинг тажриба нусхаси Янгийўл туманидаги “Қовунчи Валижон Агро Файз” ва “Шамшодбек-Равшанбек” фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 09 сентябрдаги 02/023-3677-сон маълумотномаси). Натижада чигит уруғларини уялаб экадиган пневматик экиш аппарати билан жиҳозланган сеялкани қўллаш билан мавжуд сеялкаларга нисбатан уруғлик сарфини 1,1-1,4 мартагача ва бошқа харажатларни 1,1-1,3 мартагача камайиши, иш унумини 1,2 мартагача ошиши таъминланган.

пневматик экиш аппаратини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техник топшириқ ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 09 сентябрдаги 02/023-3677-сон маълумотномаси). Натижада туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган такомиллаштирилган пневматик экиш аппаратининг саноат нусхасини ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотнинг вазифалари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон шароитида чигит экиш технологияларининг, чопиқталаб экинлар уруғларини аниқ экишда қўлланилаётган техника воситалари, шу жумладан пневматик сеялкалар, уларни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлиллари ҳамда тадқиқот вазифалари шакллантирилган.

Республикада чигит экишда механик сеялкалардан ҳозиргача фойдаланилиб келинмоқда. Бу сеялкалар ёрдамида чигитни уялаб экиш имконияти мавжуд. Бироқ, бу аппаратлар: уруғларнинг калибрлашни талаб қилиниши, кўп сарфланиши ва шикастланиши ҳамда технологик жараён ишончилигининг пастлиги каби камчиликларга эга.

Бундан ташқари Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлим шароитида баҳор ёмғирли ва ҳаво ҳарорати ўзгарувчан бўлганилиги учун мавжуд экиш усуллари ҳар доим ҳам ўзини оқламайди.

Масалан, ёмғирдан кейин кўп ҳолларда дала юзасида қатқалоқ пайдо бўлади. Қатқалоқ уруғларнинг униб чиқиши учун ўта ноқулай шароитдир. Айрим яққа униб чиқаётган уруғлар қатқалоқни ёриб чиқолмайди ва нобуд бўлади, ёки ўсиши секинлашади. Натижада даладаги ниҳоллар сийрақлашади. Энг ёмони, режалаштирилган ҳосилни олиш учун чигит қайта экилади. Бу эса уруғлик сарфини ошириб, қўшимча харажатларга олиб келади. Демак, чопиқталаб экинлар уруғларини аниқ меъёрларда уялаб экиш учун замонавий, Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитларига мос, энергияресурстежамкор пневматик экиш аппаратини ишлаб чиқиш ва унинг


параметрларини асослаш бўйича мақсадли тадқиқотларни ўтказиш талаб этилади.

Диссертациянинг “Туксиз чигитнинг асосий физик-механик ва уни экишга тайёрланган далалар тупроғининг хоссалари” деб номланган иккинчи бобида туксиз чигитнинг асосий физик-механик хоссалари, экишга тайёрланган, шу жумладан қатқалоқ ҳосил бўлган далалар тупроғи ҳолатлари бўйича ўтказилган дастлабки тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотда чигитнинг геометрик ўлчамлари қуйидаги чегараларда ўзгариши аниқланди: узунлиги 9,2-9,65 mm, эни 4,7-5,45 mm, қалинлиги 4,2-4,73 mm. С-6524 ғўза нави чигитлари энг катта ўлчамларга, “Султон” нави чигитлари эса энг кичик ўлчамларга эга. Чигит шакли қисқа-овал бўлиб, унинг катталиқ нисбати 1,12 дан 1,32 гача.

Туксиз чигитларнинг ишқаланиш коэффицентлари: ишлов берилмаган пўлатга 0,42; полимерга 0,25-0,29; резинага 0,32; алюминийга 0,41; намлиги 17 % ли зичланган тупроқда 0,59-0,72, намлиги 17 % ли юмшоқ тупроқда 0,81.

Диссертациянинг “Уялаб экишга мўлжалланган пневматик экиш аппаратининг параметрлари ва иш режимларини асослаш” деб номланган учинчи бобида белгиланган технологик жараённи кам энергия сарфлаган ҳолда сифатли бажарилишини таъминлаш учун туксиз чигитни аниқ экадиган пневматик экиш аппарати параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.



1-расм. Экиш дискининг параметрлари ва иш режимларини аниқлашга доир схема

Қуйидагилар уялаб экишга мўлжалланган экиш дискининг асосий конструктив параметрлари ва иш режимлари ҳисобланади (1-расм):

r – сўрувчи уялар учларининг юмалоқланиш радиуси, m; b – уяларнинг кенглиги, m; h – уяларнинг баландлиги, m; l_k – уяларнинг экиш дискидаги қадами, m; U – экиш дискининг сўрувчи уялар маркази бўйича айланма тезлиги, m/s; d_o – экиш дискининг сўрувчи уялар маркази бўйича диаметри, m; d_T – экиш дискининг тўлиқ диаметри, m; n – экиш дискининг айланишлар сони, r/s; z – экиш дискидаги сўрувчи уялар сони, дона.

Сўрувчи уялар учларининг юмалоқланиш радиуси, кенглиги, баландлиги, уяларнинг экиш дискидаги қадами, сўрувчи уялар маркази

бўйича айланма тезлиги, экиш дискининг тўлиқ диаметри, экиш дискининг айланишлар сони, сўрувчи уялар сони куйидаги ифодалар бўйича аниқланди:

$$r = (0,30 - 0,35)b_y, \quad (1) \quad b = 4r = (1,2 - 1,4)b_y, \quad (2)$$

$$h = (2 + \sqrt{3})r, \quad (3) \quad l_\kappa \geq 4r + l_{\dot{y}p} + 3\sigma, \quad (4)$$


$$U = \frac{V_a l_\kappa}{l_y}, \quad (5) \quad d_T = d_\delta + (3 \div 4)(l_{\dot{y}p} + 3\sigma), \quad (6)$$

$$n = \frac{U}{\pi d_\delta} = \frac{V_a l_\kappa}{\pi d_\delta l_y}, \quad (7) \quad z = \frac{\pi d_\delta}{l_\kappa} = \frac{\pi d_\delta}{4r + l_{\dot{y}p} + 3\sigma}, \quad (8)$$

бунда b_y – уруғнинг ўртача кенглиги, м; σ – уруғ узунлигининг ўртача квадратик четланиши, м; $l_{\dot{y}p}$ – уруғнинг ўртача узунлиги, м; l_κ – сўрувчи тешикларнинг экиш дискидаги қадами, м; V_a – экиш аппаратининг тезлиги, м/с; l_y – уруғ уялари орасидаги масофа, м.

$b_y=4,7$ мм, $l_{\dot{y}p}=9,2$ мм, $V_a=2,2$ м/с, $l_y=15$ см, $d_\delta=195$ мм қабул қилиниб, (1)-(8) ифодалар бўйича экиш дискидаги сўрувчи уялар учларининг юмалоқланиш радиуси $r=1,64$ мм, уларнинг кенглиги $b=6,5$ мм, баландлиги $h=6,13$ мм, сўрувчи уяларнинг қадами $l_\kappa=18,72$ мм, экиш дискининг сўрувчи уялари марказлари бўйича тезлиги $U=0,27$ м/с, экиш дискининг тўлиқ диаметри $d_T=231$ мм, экиш дискининг айланишлар сони $n=0,44$ r/s (26,4 r/min), бурчак тезлиги $\omega=2,81$ rad/s ва экиш дискидаги сўрувчи уялар сони $z=32$ дона бўлиши лозимлиги аниқланди.

Уруғларни уяларга сўрилиши ва умумий массадан олиб чиқилиши куйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади (2-расм):



2-расм. Экиш дискининг уяларига сўриляётган (а) ва сўрилган (б) уруғларга таъсир этувчи кучлар схемаси

$$\Delta p S > m \left\{ \left[\left(r_0 + \sqrt{0,75h} \right)^2 + r^2 \right] \omega^4 + g^2 + \right. \\ \left. + 2\omega^2 \left(r_0 + \sqrt{0,75h} \right) g \cos \beta \right\}^{\frac{1}{2}} \operatorname{ctg} \varphi, \quad (9)$$

бунда Δp – ҳавонинг сийракланиши; m – уруғнинг массаси, kg; g – эркин тушиш тезланиши, m/s^2 ; ω – экиш дискининг бурчак тезлиги, r/min ; r – сўрувчи уялар учларининг юмалоқланиш радиуси, m; r_0 – экиш дискининг сўрувчи уялар маркази бўйича радиуси, m; β – қаралаётган уруғнинг экиш диски тик ўқиға нисбатан жойлашиш бурчаги, °; φ – уруғларни экиш дискининг сиртиға ишқаланиш бурчаги, °; h – сўрувчи уяларнинг баландлиги, m; S – экиш диски тешигининг юзаси, m^2 .


Уруғларни диск уяларига сўриб олиниши ва умумий массадан олиб чиқилиши асосан Δp ни тўғри танлаш ҳисобига таъминланади. (9) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар ҳавонинг сўрувчи кучи уяда жойлашган уруғларнинг умумий оғирлик кучидан бир неча ўн марта ортиқ бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Экиш дискининг уяларидан ажралган уруғларнинг учиш масофаси (3-расм) ҳавонинг қаршилиги ва уруғларни бирга учишини ҳисобға олган ҳолда қуйидаги ифода бўйича аниқланди:


$$\Delta X = \frac{k(V_a - U \sin \tau)}{g} \times \\ \times \left[-U \cos \tau + \sqrt{(U \cos \tau)^2 + 2g(H - r_m \sin \tau) + r_m \sin \tau} \right], \quad (10)$$

бунда k – уруғларнинг учиш масофасига ҳавонинг қаршилиги ва уларнинг бирга учишининг таъсирини ҳисобға олувчи коэффициент; τ – уруғларни тушиш бурчаги, °.

$U=0,27$ m/s, $k=0,5$, $g=9,81$ m/s^2 , $r_m=0,0975$ m қабул қилиниб, (10) ифода бўйича ΔX нинг H масофа, τ бурчак ва V_a тезликка боғлиқ равишда ўзгариш графиклари қурилди (4-расм). Улардан кўриниб турибдики, H масофа, τ бурчак ва V_a тезликни ортиши ΔX ни ортишиға, камайиши эса камайишиға олиб келади.



3-расм. Уруғларнинг экиш дискининг уясидан ажралгандан кейинги ҳаракатини тадқиқ этишға доир схема



4-расм. ΔX масофанинг H (а), τ (б) ва V_α (в) параметрларга боғлиқ равишда ўзгариш графиклари


Демак, берилган ҳаракат тезлигида экиш эгатининг тубида ғуж уялар ҳосил қилиш учун H ва τ лар мумкин қадар кичик бўлиши лозим.

Диссертациянинг “**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида экспериментал тадқиқотлар дастури, экспериментал тадқиқотларни ўтказиш шароитлари ва усуллари ҳамда уларнинг натижалари келтирилган.

Тажрибавий тадқиқотлар ҚХМИТИдаги махсус стендда ва дала шароитида ўтказилди.

Барча тадқиқотлар “Султон” ғўза навининг кондициядаги чигитлари билан олиб борилди.


Экиш дискининг айланишлар сонини экиш аппаратининг иш кўрсаткичларига таъсирига доир тажрибалар иккита доирасимон тешикли (1-вариант), учта доирасимон тешикли (2-вариант), сўриш уялари учлари юмалоқланган учбурчаксимон шаклда ва орасига Y шаклидаги тўсик жойлашган (3-вариант) экиш дисклари билан ўтказилди. Бунда дисklarнинг айланишлар сони 22, 25, 29 ва 35 r/min ни ташкил этди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, уяга тушган чигит сони экиш дискининг айланишлар сони 22 r/min дан 35 r/min га ўзгарганда 1-вариантдаги дискда ўртача 2,24 донадан 1,80 донага, 2-вариантдаги дискда 3,05 донадан 2,06 донага, 3-вариантдаги дискда 3,15 донадан 2,71 донага камайди (5-расм).



1, 2, 3 – мос равишда 1 – вариант, 2 – вариант; 3 – вариант экиш дисклари
5-расм. Экиш диски айланишлар сонини уялардаги чигитлар сони (а), унинг ўртача квадратик четланиши (б), уялар орасидаги масофа (в) ва уяларнинг чўзилганлиги (г) га таъсири графиклари

Барча дискларнинг айланишлар сони 22-30 r/min оралиғида бўлганда чигитни уяларга тушиш сони агротехник талабларга жавоб берди. Чигитлар уясининг кенлиги ва чўзилганлиги, яъни ғужлиги 3 вариантда юқори бўлди.

Агрегатнинг тезлиги 0,27 m/s интервал билан 1,95 m/s дан 2,76 m/s гача ўзгартирилиб, уларни экиш аппаратининг агротехник иш кўрсаткичларига таъсири ўрганилди (6-расм).



6-расм. Агрегатнинг ҳаракат тезлиги (транспортёр лентасининг чизиқли тезлиги)ни уялар чўзилганлиги (а) га ва уялар орасидаги масофа (б) га таъсири графиклари

Графиклардан кўришиб турибдики, тешиклар бир гуруҳга иккитадан жойлашганда ва тезлик 1,95 m/s дан 2,76 m/s гача ошганда уяларнинг чўзилганлиги 1,06 см дан 1,38 см гача ортиб борди. Ҳаракат тезлиги ортиб бориши билан 1-вариантда уяларнинг чўзилганлиги қолган вариантларга нисбатан катта бўлди. 3-вариантда эса қолган вариантларга нисбатан уяларнинг чўзилганлиги сезиларли даражада кичик бўлди. Уялар орасидаги масофа тезлик ортиб бориши билан ўсиб борди.

Демак, 3-вариант бўйича экиш дискининг конструкцияси уруғларнинг аниқ уялаб жойлашишини ва уялар орасидаги масофани талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

Экиш аппарати иш кўрсаткичларини пневматик экиш аппаратларининг юриш баландлигига боғлиқлигини ўрганиш мақсадида бу омил 1 см интервал билан 9 см дан 12 см гача ўзгартириб тажрибалар ўтказилди.

Тажрибаларда экиш аппарати юриш баландлигининг ортиши уядаги чигит сони ва унинг ўртача квадратик четланишига сезиларли таъсир кўрсатмади. Пневматик экиш аппаратларининг юриш баландлиги 10 см қилиб ростланганда экиш дискининг сўриш уялари бурчакларининг учлари юмалоқланган учбурчак шаклида ва ичида Y шаклидаги тўсиқ жойлашган 3-вариантда уяларнинг чўзилганлиги 1,01 см ва уялар кенглиги 0,87 см бўлди. Экиш аппаратларининг юриш баландлиги ортиши билан уяларнинг чўзилганлиги ва уялар кенглиги ҳам ортиб борди.

Экиш аппарати параметрларини сеялканнинг иш кўрсаткичларига биргаликдаги таъсирини ўрганиш ҳамда назарий ва бир омилли экспериментларда аниқланган параметрларнинг мақбул қийматларини аниқлаш мақсадида Хартли-3 режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Жадвалда омиллар, уларнинг шартли белгиланиши ҳамда вариацияланиш оралиқлари келтирилган. Улар назарий тадқиқотлар ва бир омилли экспериментлар асосида белгиланди.

Жадвал

Омиллар, уларнинг шартли белгиланиши, вариацияланиш оралиғи ва сатҳи

№	Омилларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Белгиланиши	Оралиғи	Омилларнинг сатҳлари		
					-1	0	+1
1	Экиш дискининг айланишлар сони	r/min	X ₁	5	22	27	32
2	Аппаратнинг ўрнатиш баландлиги	cm	X ₂	2	8	10	12
3	Агрегатнинг ҳаракат тезлиги	m/s	X ₃	0,29	1,66	1,95	2,24

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида уядаги чигитлар сони, уялар орасидаги масофа ҳамда уяларни чўзилганлиги қабул қилинди.

Тажириба натижаларига “PLANEXP” дастури бўйича ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи куйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- уядаги чигитлар сони бўйича (дона):

$$Y_1=2,921-0,155X_1-0,117X_2+0,000X_3+ \\ +0,117X_1^2+0,103X_3^2 \quad ; \quad (11)$$

- уялар орасидаги масофа бўйича (cm):

$$Y_2=15,362-0,842X_1+0,000X_2+0,993X_3-0,622X_1^2+ \\ +0,413X_1X_3-0,520X_2^2-0,420X_3^2; \quad (12)$$

- уяларни чўзилганлиги бўйича (cm):

$$Y_3=1,117+0,099X_2+0,052X_3+0,051X_1^2- \\ -0,036X_2X_3+0,0012X_3^2 \quad . \quad (13)$$

Бу тенгламалардан кўришиб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатади.

(11) ва (13) регрессия тенгламалари Y_1 мезон, яъни уядаги чигитлар сони 3 ± 1 дона бўлишлиги, Y_2 мезон, яъни уялар орасидаги масофа 14-16 см, Y_3 мезон, яъни уяларни чўзилганлиги минимал бўлиш шартларидан ечилиб, агрегат 1,66-2,24 m/s иш тезликларда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаши учун экиш дискининг айланишлар сони 23,87-27,62 r/min, аппаратнинг ўрнатиш баландлиги 9,02-9,24 см ораликда бўлиши лозимлиги аниқланди.

Омилларнинг ушбу қийматларида Y_1 мезон, яъни уядаги чигитлар сони 3,03-3,28 дона, Y_2 мезон, яъни уялар орасидаги масофа 14,00-15,57 см ва Y_3 мезон, яъни уяларни чўзилганлиги 0,95-1,12 см оралиғида бўлади.

Диссертациянинг **“Тақомиллаштирилган экиш диски билан жиҳозланган туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик сеялка синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари”** деб номланган бешинчи бобида ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик сеяланинг хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик экиш аппарати билан

жиҳозланган сеялканинг синовлари Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “Қовунчи Валижон Агро Файз” ва “Шамшодбек-Равшанбек” фермер хўжаликлари далаларида баҳорги экиш мавсумида ўтказилди.

Агрегатнинг 7,3 ва 8,3 km/h иш тезликларида уялардаги чигитлар сони мос равишда 2,9 ва 2,7 дона (агротехник талаблар бўйича 3 ± 1) ва унинг ўртача квадратик четланиши эса $\pm 0,85$ ва $\pm 1,06$ донани, уялар орасидаги масофа 14,6 ва 13,2 см ни, уялар кенглиги мос равишда 0,76 ва 0,70 см ни ташкил этди. Уяларнинг чўзилганлиги уяларга биринчи ва охири тушган чигитлар орасидаги масофани ўлчаш орқали аниқланди ва мос равишда 1,01 ва 1,09 см ни ташкил этди.

Тавсия этилаётган параметрларга эга бўлган туксиз чигитни уялаб аниқ экадиган пневматик сеялкани қўллаш меҳнат сарфини 8,5 фоизга, эксплуатация харажатларни эса 2,6 фоизга камайишини таъминлайди. Битта сеялканинг йиллик иқтисодий самараси 10104783,2 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Туксиз чигитни аниқ экадиган пневматик экиш аппаратини такомиллаштириш ва унинг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Экиш воситалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлили туксиз чигитни аниқ уялаб экадиган пневматик экиш аппаратининг технологик иш жараёнини такомиллаштириш, унинг параметрларини асослаш, иш сифати ва унумини ошириш ҳамда эксплуатацион харажатларни камайтириш йўллариини белгилаш имконини беради.

2. Туксиз чигитларнинг абсолют массаси 80-150 g, нисбий зичлиги $0,85-1,12 \text{ g/cm}^3$, ётиш бурчаги 21° дан 35° гача ораликда ётади; чигитнинг геометрик ўлчамлари унинг навига қараб бир биридан фарқ қилади: энг йирик чигитлар С-6524 навига тегишли бўлиб, узунлиги 9,59 mm, эни 5,45 mm, қалинлиги 4,73 mm ни ташкил этади.

3. Экиш диски уялар учларининг юмалоқланиш радиуси 1,64 mm, кенглиги 6,58 mm, баландлиги 6,13 mm, қадами 18,72 mm ҳамда экиш дискининг диаметри 231 mm, айланма тезлиги 0,27 m/s, айланишлар сони 26,4 r/min, бурчак тезлиги 2,81 rad/s ва уялар сони 32 дона бўлганда чигитларни тешиқларга ишончли сўрилиши, таъминлаш камерасида уруғларни аниқ гуруҳлаб, сошник ҳосил қилган ариқчага аниқ экилиши таъминланади.

4. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан сўриш уялари учбурчак шаклида ва бурчаклар учлари юмалоқ бўлган, ичида У шаклидаги тўсиқ жойлашган экиш диски тавсия этилади. Бундай экиш диски бошқа экиш дискларига нисбатан туксиз чигитни юқори аниқликда уялаб экиш имконини беради.

5. Сеяланинг ҳаракат тезлиги 1,66-2,24 m/s, дискнинг айланишлар сони 23,8-27,6 r/min, ўрнатиш баландлиги 9,02-9,24 см оралиқда бўлиши туксиз чигитларни аниқ миқдорда сифатли экиш имконини беради.

6. Асосланган параметрларга эга бўлган туксиз чигитни аниқ экадиган такомиллаштирилган пневматик сеялка қўлланилганда 1 гектарга меҳнат сарфи 8,5 фоизга, сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатлар 2,6 фоизга камаяди ҳамда 10104783,2 сўмга тенг иқтисодий самара олинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

САИДОВА МУХАЙЁХОН ТУЛКИНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ
ПНЕВМАТИЧЕСКОГО ВЫСЕВАЮЩЕГО АППАРАТА ДЛЯ
ТОЧНОГО СЕВА ОГОЛЕННЫХ СЕМЯН ХЛОПЧАТНИКА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ГУЛЬБАХОП– 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.PhD/T1996.

Диссертация выполнена в научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: (www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Алимова Феруза Абдукадировна
кандидат технических наук, доцент.

Официальные оппоненты:

Имомкулов Кутбиддин Боксенович
доктор технических наук, профессор

Имаджанов Султовали Исламалевич
кандидат технических наук, с.т.с.

Ведущая организация

Центр по сертификации и испытаний
сельскохозяйственной техники и технологий

Защита диссертации состоится «13» апрель 2022 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгйольский район, пос.Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 458). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгйольский район, пос.Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан «28» март 2022 года.

(Протокол рассылки № 19, «28» март 2022 года).



М.Т.Ташболтаев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

А.А.Ибрагимов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., с.т.с.

А.Тухтакушев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает разработка энерго-ресурсосберегающих технологий и современных технических средств для возделывания хлопчатника. Объем мирового производства хлопкового волокна составляет 23477 тысяч тонн, в том числе 6205 тонн в Индии, 5987 тонн в Китае, 4555 тонн в США, 1895 тонн в Бразилии, 1785 тонн в Пакистане, 1045 тонн в Австралии, 871 тонн в Турции, 838 тонн в Узбекистане и 296 тысяч тонн в Туркменистане¹. Совершенствование на научной основе энерго-ресурсосберегающих высококачественных и высокопроизводительных и разработка новых сеялок для посева семян хлопчатника является одной из важных задач. В этом направлении достигнуты определенные успехи в развитых зарубежных странах, таких как США, Турция, Индия, Китай и др., где уделяется большое внимание разработке и применению пневматических сеялок точного высева.

В мире ведутся целевые научно-исследовательские работы, направленные на создание ресурсосберегающих технологий точного посева и новых образцов технических средств для их осуществления, по разработке научно-технических основ усовершенствования существующих машин с целью обеспечения ресурсосбережения в процессе работы. В этом направлении возникла необходимость проведения целевых научных исследований по разработке конструкции пневматической сеялки для различных почвенно-климатических условий, высевающей семена хлопчатника точным способом по 3 семени на гнездо, обоснованию параметров, обеспечивающих выполнение агротехнических требований.

В сельскохозяйственном производстве республики особое внимание уделяется принятию широкомасштабных мер по снижению трудоемкости и энергозатрат, экономии ресурсов, возделыванию сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий и производству высокопроизводительной сельскохозяйственной техники, в том числе разработке технических средств, обеспечивающих совершенствование посевных работ и повышение качества выполнения технологических операций при посеве хлопчатника.

В утвержденной Кабинетом Министров Республики Узбекистан от 24 апреля 2021 года «Программе на 2022-2026 годы по приоритетным направлениям сельского хозяйства, исследованию научных решений глобальных, региональных и территориальных проблем»², намечены задачи, в частности: по «Созданию промышленного образца импорто замещающей отечественной пневматической сеялки, обеспечивающей точный пунктирный

¹Рекомендации по разработке оптимальной толщины сеянцев и водно-питательных норм для сорта хлопчатника яркий-1 в условиях типичных орошаемых сероземов Ташкентской области». – Ташкент, 2019. – 13 с.

²Программы исследования научных приоритетов сельского хозяйства, глобальных, региональных и территориальных проблем, намеченных на 2022-2026 годы», утвержденной Кабинетом Министров от 24 апреля 2021 года.

и гнездовой посев сыпучих семян сельскохозяйственных культур, сокращающей расход семян, предотвращающей прореживание всходов.

В осуществлении этих задач важным решением является разработка современной, энерго ресурсосберегающей пневматической сеялки, пригодной для почвенно-климатических условий Узбекистана для точного сева оголенных семян хлопчатника гнездовым способом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в отрасли сельскохозяйственного машиностроения», а также в других нормативно-правовых документах, соответствующих данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

